



## МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ХУДУДИЙ ВА ТАРМОҚ РИВОЖЛАНИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

**Арсланов Улуғбек**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0001-6508-2145

[ulugbekarslonov079@gmail.com](mailto:ulugbekarslonov079@gmail.com)

**Аннотация.** Ўзбекистонда махсус иқтисодий зоналар бозор иқтисодиёти институти сифатида ҳудудларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиши билан алоҳида ўрин тутди. Ҳозирги кунда махсус иқтисодий зона (МИЗ)лар хорижий ва ички инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Шунинг билан олиб мақолада махсус зоналарни ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимида самарадорлигини баҳолаш ва уларда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш муҳим тадқиқот йўналиши ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** махсус иқтисодий зона, ҳудуд, иқтисодиёт тармоғи, самарадорлик, саноат, ишлаб чиқариш, меҳнат муносабатлари.

## ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕГИОНАЛЬНОГО И ОТРАСЛЕВОГО РАЗВИТИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН

**Арсланов Улуғбек**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** Специальные экономические зоны в Узбекистане, как институт рыночной экономики, занимают особое место с точки зрения их значительного вклада в развитие регионов. В настоящее время специальные экономические зоны (СЭЗ) считаются приоритетным направлением для привлечения иностранных и отечественных инвестиций. В связи с этим оценка эффективности деятельности специальных экономических зон в регионе и отраслях экономики, а также совершенствование трудовых отношений в них является важным направлением исследований.

**Ключевые слова:** специальная экономическая зона, регион, отрасль экономики, эффективность, промышленность, производство, трудовые отношения.

## ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF REGIONAL AND SECTORAL DEVELOPMENT OF SPECIAL ECONOMIC ZONES

**Arslanov Ulugbek**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** Special economic zones in Uzbekistan, as an institution of a market economy, occupy a special place in terms of their significant contribution to the development of regions. Currently, special economic zones (SEZs) are considered a priority area for attracting foreign and domestic investments. In this regard, assessing the effectiveness of special zones in the region and sectors of the economy and improving labor relations in them is an important research area.

**Keywords:** special economic zone, region, economic sector, efficiency, industry, production, labor relations.

### **Кириш.**

Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий салоҳият, ички бозор, табиий ресурслар ва ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги махсус иқтисодий зоналар ташкил этишга ҳисса қўшаётган инвесторларни жалб қилмоқда. Уларнинг республика ҳудудларидаги фаолияти энг муҳим иқтисодий муаммоларни ҳал этишга махсус зоналар, ҳудудларида йирик лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга қаратилган.

Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат, инвесторлар ва ҳудудлар манфаатларининг изчиллигига боғлиқ. Сармоядорлар учун фойда муҳим, республика бюджетига тушумлар давлат учун, янги иш ўринлари ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳудудлар учун ҳам муҳим. Ушбу манфаатлар ҳисобга олинмаса, зоналарнинг фаолияти муаммоли ҳисобланади. Шу муносабат билан инвесторларнинг молиявий ва технологик тўлов қобилияти шубҳа туғдирмаслиги керак ва уларни амалга ошириш учун таклиф этаётган лойиҳалар умумий иқтисодий самарадорликни назарда тутати.

Айни пайтда зоналар ва тармоқ корхоналарини ривожлантиришда самарали фаолиятга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам мавжуд. Шу боис ҳудудларда махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг назарий ва амалий масалалари махсус зоналарда ҳудудларни ривожлантириш омили сифатида ўрганиш, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)даги ўрни, аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш ушбу тадқиқотнинг долзарб йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Махсус иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришнинг ҳудудлар бўйича афзалликлари кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотларида кўриб чиқилган. Уларнинг фаолияти муаллифлар томонидан хорижий инвестициялар оқими, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши, иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлиги ва уларнинг иш ҳақининг ўсиши ҳисобига МИЗлар жойлашган ҳудудлар иқтисодиётига ташқи, шунингдек, улар билан боғлиқ таъсирлар нуқтаи назаридан тавсифланади (Alder et al., 2016; Cai et al., 2021; Leong, 2013; Widiyanto and Yudhisthira, 2021).

Юқоридаги муаллифлар тадқиқотлари асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин: ушбу илмий ишлар муаллифлари МИЗларни саноат ривожланиши учун шунчаки бир чора сифатида қабул қилмаслик кераклигини таъкидлайдилар. Таҳлилларга кўра, Хитойнинг муваффақиятлари жозибадор, аммо унинг моделини кўчириб олиш билан муваффақиятли фаолиятга эриша олмаслик мумкин (Alexianu et al., 2019). Бунда бизнинг фикримизча, МИЗлар ислохотларни синаб кўриш ва уларни иқтисодиётга таъсирини баҳолаш имконини берувчи тажрибалар учун платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳудудларда махсус зоналар самарадорлигини баҳолаш учун уларнинг мониторинги, рейтинги ва рейтингини баҳолаш механизмлари амалга оширилиши лозим (Alexianu et al., 2019), бу МИЗлар фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади.

Айрим муаллифлар ўз тадқиқотларида МИЗларга қарашли корхоналар, тармоқлар, ҳудудлар самарадорлигини аниқлашнинг турли хил вариантлари ва ёндашувларини таклиф қилган. Бироқ миллий амалиётда МИЗлар самарадорлигини баҳолаш учун махсус ишлаб чиқилган кенг қамровли ва синовдан ўтган кўп қиррали методология мавжуд эмас, шу муносабат билан бугунги кунда ҳудудлар кесимида тадқиқотда асосланган услубий ёндашувдан фойдаланиш мумкин.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, МИЗ муваффақияти ички рентабеллик билан эмас, балки бошқа ўнлаб шунга ўхшаш зоналарга нисбатан рақобатбардошлик

билан белгиланади. Инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши мамлакат ишлаб чиқариш базасининг ривожланганлик даражаси, ривожланган инфратузилма, кадрлар, малакали ишчи кучи мавжудлиги билан тавсифланади. Ўз моҳиятига кўра, МИ ва саноат зоналари мамлакат ҳудудларининг алоҳида қисми бўлиб, унда тадбиркорлик фаолияти учун алоҳида ҳуқуқий режим, жумладан, солиқ, божхона, маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий имтиёзлар ва кафолатлар белгиланган. Махсус иқтисодий зоналар ташкил этилиши ва фаолиятининг бутун даври давомида ўз ҳудудларини ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш воситаси бўлиб, республика ва унинг ҳудудлари иқтисодиётида маълум ўринни эгаллашга интилади. Махсус зоналарни яратиш бўйича бундай катта эътибор улар муваффақиятли фаолият юритаётган республика ҳудудлари сонининг йил сайин ортиб бораётганидан далолат беради. Уларнинг сони 2019 йилдаги, 16 тадан 2024 йилда 25 тага ошди. Республика ҳудудларида МИЗлар сонининг изчил ривожланиши ҳам уларнинг таркибидаги корхоналар сонининг кейинги 6 йилда 666 тага, яъни 405 тадан (2019 йил) 1071 тага (2024) кўпайишига олиб келди (1-жадвал).

Маълумки, республикада махсус зоналар турли тармоқлар бўйича ташкил этилган ва фаолият соҳалари тақсимланган, жумладан: саноат, фарматсевтика, қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт логистика ва бошқалар.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон махсус иқтисодий ва саноат зоналари ҳудудларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2019 йилда 7877,5 млрд. сўмга, 2023 йилда 37769,2 ва 2024 йилда эса 44182,5 млрд. сўмга тенг бўлган. Кейинги 2024 йилда 2023-йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 17 фоизга ошган. Ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиш суръатлари Жиззах вилоятида 29,1 фоиз; Навоий вилоятида 13,2; Тошкент вилоятида 2,4 фоиз бўлган.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда махсус иқтисодий ва саноат зоналари ҳудудий ва тармоқ ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси (млрд. сўм, амалдаги нархларда)

| Ҳудудлар                     | Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми |         | Бажарилган курилиш ишлари ҳажми |       | Кўрсатилган экспорт хизматлари ҳажми |        | Асосий капитал инвестициялар |         |
|------------------------------|------------------------------------------------------------|---------|---------------------------------|-------|--------------------------------------|--------|------------------------------|---------|
|                              | 2019                                                       | 2024    | 2019                            | 2024  | 2019                                 | 2024   | 2019                         | 2024    |
| Ўзбекистон Республикаси      | 7877,5                                                     | 44182,5 | 36,9                            | 198,2 | 87,7                                 | 2022,5 | 3313,1                       | 16511,5 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 17,2                                                       | 116,8   | -                               | 64,8  | -                                    | 1,4    | 59,5                         | 720,6   |
| Андижон вилояти              | -                                                          | 425,7   | -                               | 1,0   | -                                    | 7,2    | -                            | 700,8   |
| Бухоро вилояти               | 332,2                                                      | 1190,6  | -                               | 3,6   | 14,0                                 | 65,1   | 40,4                         | 6539,3  |
| Жиззах вилояти               | 558,0                                                      | 14114,1 | -                               | 57,9  | -                                    | 644,3  | 206,3                        | 1046,4  |
| Қашқадарё вилояти            | -                                                          | 12,6    | -                               | 57,7  | -                                    | 7,1    | -                            | 11,9    |
| Навоий вилояти               | 1702,2                                                     | 5749,8  | 36,9                            | 13,0  | 0,4                                  | 93,0   | 645,8                        | 1852,2  |
| Наманган вилояти             | 2,9                                                        | 1175,8  | -                               | -     | 6,4                                  | 18,8   | 54,0                         | 621,3   |
| Самарқанд вилояти            | 842,4                                                      | 4733,4  | -                               | -     | -                                    | 44,6   | 278,4                        | 2758,2  |
| Сурхондарё вилояти           | 1,6                                                        | 55,6    | -                               | -     | -                                    | 46,2   | 11,7                         | 300,3   |
| Сирдарё вилояти              | 611,3                                                      | 2820,0  | -                               | -     | 1,7                                  | 16,6   | 580,4                        | 471,3   |
| Тошкент вилояти              | 2860,3                                                     | 10258,5 | -                               | 0,02  | 65,2                                 | 1063,0 | 1155,9                       | 1257,0  |
| Фарғона вилояти              | 861853,1                                                   | 3262,1  | -                               | -     | -                                    | 0,4    | 220,4                        | 206,9   |
| Хоразм вилояти               | 87496,1                                                    | 267,1   | -                               | -     | -                                    | 14,0   | 60,1                         | 25,5    |
| Тошкент шаҳри                | -                                                          | -       | -                               | -     | -                                    | -      | -                            | -       |

**Манба:** жадвал давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Худуд зоналарида ўз кучи билан қурилиш ишлари бажарилиши йиллар бўйича ҳали кенг ривожланмаган, фақат Навоий вилояти бундан мустасно. Ўтган 2024 йилда мамлакатимиз махсус зоналарида жами 198,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган, бу 2023 йилдга нисбатан 4,2 сўмга кўп ҳисобланади (1 - жадвал).

Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида 2024 йилда 2022,5 млрд. сўм экспорт хизматлари кўрсатилган, бу 2023 йилга нисбатан қарийб 69 фоизга ошиқ. Жиззах ҳамда Тошкент вилоятлари зоналарида 2024 йилда мос равишда 644,3 ва 1063 млрд. сўмга тенг экспорт хизматлари кўрсатилган. Булар республикада кўрсатилган экспорт хизматларининг мос равишда 31,2 ва 52,3 фоизини ташкил қилади.

Махсус зоналарнинг ҳудудий ривожланишига кейинги йилларда инвестициялар киритиш ҳажми бирмунча ошган. Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари махсус ва саноат зоналарига энг кўп асосий капиталга инвестициялар жалб қилинган. Ушбу вилоятлар зоналари бўйича киритилган инвестициялар, жаъми инвестицияларнинг 21,5 фоизини ташкил этади.

Шундай қилиб, 2024-йилда МИЗ иштирокчилари – корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) улуши республика қийматининг қарийб 5 фоизини, асосий капиталга киритилган инвестициялар 3,3 фоизини, кўрсатилган хизматлар 0,2 фоизини, қурилиш ишларининг улуши 0,1 фоизни ташкил этади.



**1-расм. Махсус иқтисодий ва саноат зоналарида иштирок этувчи корхоналар бўйича ишлаб чиқариш таркибидаги ўзгаришлар, %**

*Манба:* давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қуйидаги статистик маълумотларда тармоқлар бўйича 2019-2024 йилларда республика МИЗда иштирок этувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ўсиш динамикаси кўрсатилган. Бундай маҳсулотлар ҳажми таҳлил қилинаётган даврда 5,6 баробар ошиб, 2024 йил якунига кўра 44182,5 млрд.сўмни ташкил этди. Бу маҳаллий хомашёни қайта ишлаш даражасини босқичма-босқич чуқурлаштириш ва ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш имконини берди (1-расм). Худуд корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг энг катта улуши: автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим тиркамалар (барча маҳсулотларнинг 28,7 фоизи), металлургия саноати маҳсулотлари

(16,5 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (14,1 фоиз), каучук ва пластмасса буюмлари (8,5 фоиз), тўқимачилик (6,1 фоиз), металл бўлмаган минерал маҳсулотлар (5,4 фоиз), кимё маҳсулотлари (3,6 фоиз) дир.

Республика ҳудудларида жойлашган МИЗ таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналари замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. 2024-йилда МИЗга кирувчи корхоналар томонидан республикадан ташқарига 16 020,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари (товар ва хизматлар) жўнатилди.

2019-2024-йилларда кўрсаткичнинг ўсиши билан тавсифланган МИЗ томонидан кўрсатилаётган экспорт хизматлари ҳажмининг ижобий тенденциялари давом этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2024-йилда иштирокчи тармоқ корхоналари томонидан 2022,5 миллиард сўмлик экспорт хизматлари кўрсатилган. 2019-йилда бу кўрсаткич 87,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Махсус иқтисодий ва саноат зоналарининг ҳудудлар иқтисодиётига қўшган ҳиссасини таҳлил қилар эканмиз, улар турлича эканлигини кузатиш мумкин. Айрим ҳудудларда бу кўрсаткич юқори эканлигини, баъзиларида нисбатан паст эканлигини таъкидлаш лозим (2-жадвал).

2024-йилда кўрсаткичларнинг энг катта улуши, бошқалардан фарқли ўлароқ, қуйидаги ҳудудларда фаолият юритувчи зоналар ҳиссасига тўғри келди: Жиззах (31,9 фоиз – саноат маҳсулотлари; 31,9 фоиз – кўрсатилган хизматлар ҳажми; 29,2 фоиз – қурилиш ишлари ҳажми); Тошкент (23,2% - саноат маҳсулотлари; 52,6% - кўрсатилган хизматлар ҳажми); Навоий (13% - саноат маҳсулотлари); Қашқадарё (29,1 фоиз – қурилиш ишлари ҳажми), Бухоро (39,6 фоиз – асосий капиталга инвестициялар); Самарқанд (асосий капиталга инвестициялар 16,7 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (32,7 фоиз - қурилиш ишлари ҳажми) (2-жадвал).

## 2-жадвал.


### Ҳудудларда махсус иқтисодий зоналар фаолияти кўрсаткичлари улушидаги ўзгаришлар, %да (тармоқлар кесимида)

| Ҳудудлар                        | саноат ишлаб<br>чиқариш<br>ҳажми |      | кўрсатилган<br>хизматлар<br>ҳажми |      | туғалланган<br>қурилиш<br>ишлари ҳажми |      | асосий<br>капиталга<br>инвестициялар |      |
|---------------------------------|----------------------------------|------|-----------------------------------|------|----------------------------------------|------|--------------------------------------|------|
|                                 | 2021                             | 2024 | 2021                              | 2024 | 2021                                   | 2024 | 2021                                 | 2024 |
| Ўзбекистон<br>Республикаси      | 100                              | 100  | 100                               | 100  | 100                                    | 100  | 100                                  | 100  |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси | 0,4                              | 0,3  | -                                 | 0,1  | -                                      | 32,7 | -                                    | 4,4  |
| Вилоятлар:                      |                                  |      |                                   |      |                                        |      |                                      |      |
| Андижон                         | 0,1                              | 1,0  | 3,1                               | 0,4  | -                                      | 0,5  | 2,2                                  | 4,2  |
| Бухоро                          | 3,4                              | 2,7  | 6,1                               | 3,2  | 2,3                                    | 1,8  | 0,3                                  | 39,6 |
| Жиззах                          | 12,0                             | 31,9 | -                                 | 31,9 | -                                      | 29,2 | 1,4                                  | 6,3  |
| Қашқадарё                       | -                                | 0,03 | 35,7                              | 0,4  | -                                      | 29,1 | -                                    | 0,1  |
| Навоий                          | 20,3                             | 13,0 | 0,8                               | 4,6  | 91,7                                   | 6,6  | 15,6                                 | 11,2 |
| Наманган                        | 1,5                              | 2,7  | 0,1                               | 0,9  | -                                      | -    | 1,8                                  | 3,8  |
| Самарқанд                       | 12,5                             | 10,7 | 1,8                               | 2,2  | -                                      | -    | 6,6                                  | 16,7 |
| Сурхандарё                      | 0,1                              | 0,1  | 0,6                               | 2,3  | -                                      | -    | 1,1                                  | 1,8  |
| Сирдарё                         | 6,7                              | 6,4  | 51,9                              | 0,8  | -                                      | -    | 21,2                                 | 2,9  |
| Тошкент                         | 29,9                             | 23,2 | -                                 | 52,6 | 3,6                                    | 0,01 | 42,8                                 | 7,6  |
| Фарғона                         | 12,0                             | 7,4  | -                                 | 0,02 | 2,4                                    | -    | 3,4                                  | 1,3  |
| Хоразм                          | 1,0                              | 0,6  | -                                 | 0,7  | -                                      | -    | 3,6                                  | 0,2  |

**Манба:** жадвал давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2021-йилда республика ҳудудларида МИЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан айрим тармоқлар фаолият турлари бажарилмаган бўлса, улар орасида Бухоро, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бундан мустасно, кўплаб вилоятларда бажарилмаган қурилиш ишлари ҳам бор. Бироқ, 2024 йилдан бошлаб, ҳудудларда кўплаб МИЗларда қурилиш ишлари амалга оширила бошланди. Ҳудудларда бундай ҳолат бошқа тармоқ кўрсаткичлари бўйича ҳам кузатилади. 2024-йилда 2021-йилга нисбатан Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган МИЗ тузилмасидаги корхоналарнинг саноат маҳсулотлари улуши 19 фоиз пунктга ошгани қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг энг сезиларли пасайиши Навоий (-7,3 фоиз даража), Тошкент (-6,7 фоиз даража), Фарғона (-4,7 фоиз даража) вилоятларида кузатилмоқда. Ўзгаришларга учраган навбатдаги кўрсаткич МИЗ таркибига кирувчи корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмидир. Шундай қилиб, 2024-йилда Қашқадарё (-35,3 п.п.) ва Сирдарё (-51,1 п.п.) каби вилоятларда фаолият юритаётган МИЗларда 2021-йилга нисбатан кўрсаткич улуши камайган. МИЗ тузилмасида корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми улушининг энг катта ўсиши Навоий ва Сурхондарё вилоятларига тўғри келади. МИЗнинг асосий капиталига инвестициялар улушининг ўзгаришини кўриш қизиқарли. Бу ерда ҳам ижобий ва ҳам салбий томондан етакчи ҳудудлар бор. Масалан, 2024-йилда 2021-йилга нисбатан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар кўрсаткичининг улуши Бухоро (+39,3 п.п.), Самарқанд (+10,1 п.п.), Жиззах (+4,9 п.п.) ва Наманган (+2 п.п.) МИЗлар таркибида фаолият кўрсатаётган корхоналарга тўғри келади. 2024-йилда ушбу ҳудудларда МИЗларнинг улуши жами 56,3 п.п.га тенг бўлган.

Кейинги 2-расмда кўрсатилган 2019-2024 йилларга мўлжалланган махсус зоналар корхоналарида меҳнат муносабатларини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилинган. Махсус зоналар таркибидаги корхоналарда 2024-йилда 50,5 мингга яқин киши ишлаган, бу 2019-йилга нисбатан 27,6 минг кишига кўпдир. Махсус зоналарда иш ўринлари сонининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, уларнинг сони ҳам 2019-2024-йилларда 29,4 минг ўринга кўпайиб, жами 53,1 минг ўринни ташкил этди. Улар таркибидаги корхоналарда янги иш ўринлари сонини кўпайтириш имконияти ҳам мавжуд. 2024 йилда корхоналарда бундай ўринлар 18 мингтани ташкил этган. Шу билан бирга, олти йил давомида уларнинг сони ҳар йили 10,7 минг ўриндан (2020 йил) 19,6 минг ўрин (2022 йил) оралиғида бўлган.



**2-расм. Махсус зоналарда меҳнат муносабатларининг ривожланиш динамикаси**

*Манба:* давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Агар меҳнат муносабатлари билан боғлиқ мавжуд статистик кўрсаткичлар таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга оладиган бўлсак, 2024 йилда республика ҳудудларида, хусусан Навоий вилоятида фаолият юритаётган махсус зоналар тизимидаги корхоналарда 2021 йилга нисбатан 2024 йилда ходимлар сони улуши 5,6 фоиз пунктига камайганлигини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

Бироқ, умуман олганда, бошқа ҳудудларнинг фаолият юритаётган МИЗларида ходимлар сони улушини оширишнинг ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Ҳудудларда шундай ҳолатларда мавжуд иш ўринлари ва янги ташкил этилган иш ўринлари сони, тўғрироғи, уларнинг улушидаги ўзгариш кўрсаткичларида ҳам кўриш мумкин.

## 3-жадвал

**Ҳудудларнинг махсус иқтисодий зоналарида меҳнат муносабатлари  
кўрсаткичлари улушидаги ўзгаришлар таркиби**

| Худуд                        | Ходимлар сони |      | Иш ўринлари сони |      | Янги ташкил этилган иш ўринлари сони |      |
|------------------------------|---------------|------|------------------|------|--------------------------------------|------|
|                              | 2021          | 2021 | 2021             | 2024 | 2021                                 | 2024 |
| Ўзбекистон Республикаси      | 100           | 100  | 100              | 100  | 100                                  | 100  |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,2           | 1,6  | 1,7              | 1,9  | 1,7                                  | 1,9  |
| Вилоятлар:                   |               |      |                  |      |                                      |      |
| Андижон                      | 0,2           | 1,0  | 0,1              | 1,4  | 0,1                                  | 1,4  |
| Бухоро                       | 5,5           | 6,3  | 4,7              | 10,2 | 4,7                                  | 10,2 |
| Жиззах                       | 13,9          | 13,9 | 16,1             | 18,9 | 16,1                                 | 18,9 |
| Қашқадарё                    | -             | 0,3  | -                | 0,1  | -                                    | 0,1  |
| Навоий                       | 19,1          | 13,5 | 33,1             | 9,5  | 33,1                                 | 9,5  |
| Наманган                     | 2,1           | 4,9  | 1,4              | 8,1  | 1,4                                  | 8,1  |
| Самарқанд                    | 10,8          | 10,8 | 8,7              | 8,6  | 8,7                                  | 8,6  |
| Сурхандарё                   | 0,5           | 2,0  | 0,2              | 5,9  | 0,2                                  | 5,9  |
| Сирдарё                      | 13,1          | 9,5  | 10,7             | 8,8  | 10,7                                 | 8,8  |
| Тошкент                      | 25,6          | 26,2 | 18,9             | 19,2 | 18,9                                 | 19,2 |
| Фарғона                      | 6,2           | 8,8  | 2,1              | 6,9  | 2,1                                  | 6,9  |
| Хоразм                       | 1,7           | 1,2  | 2,3              | 0,7  | 2,3                                  | 0,7  |

*Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.*

Тадқиқот якунида шуни таъкидлаймизки, МИЗ кўрсаткичларининг миллий кўрсаткичлардаги улуши ҳали ҳам этарли эмаслигига қарамай, уларнинг самарасизлиги ҳақида аниқ гапиришга ҳожат йўқ. Ҳаттоки, бугунги кунда МИЗлар фаолиятида мавжуд бўлган барча камчиликларни ҳисобга олсак, биринчи зона ташкил этилганидан буён ўтган 17 йил давомида республикада 53,1 минг иш ўрни яратилиб, 50,5 минг киши иш билан таъминланди, кўплаб маҳаллий корхоналар экспорт даражасига чиқа олди. Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев асослаган экспортга йўналтирилган МИЗлар ташкил этишнинг янги марраларига эришилди. Бу борада манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг алоҳида эътиборини қаратиш, бугунги тенденцияни бой бермаслик зарур.

### Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин:

1. Янги Ўзбекистон ривожланиш даврида, мамлакат ҳудудларида махсус иқтисодий ва саноат зоналарини устувор ривожлантириш, энг аввало хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар фаолиятини кенгайтириш, янги технологияларни ўзлаштириш ва инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун шарт-шароит яратувчи воситалари зарур.

2. Ўтган 17 йил давомида махсус иқтисодий зоналар республика ҳудудлари саноат салоҳиятини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этишнинг самарали воситасига айлангани, бундай объектлар сонининг йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда республикамизнинг турли ҳудудларида 25 та МИЗ мавжуд бўлиб, уларда 1071 та корхона фаолият кўрсатиб, 53 мингдан ортиқ кишини иш билан таъминламоқда.

3. Тадқиқотлар республика ҳудудларида МИЗларни ташкил этиш бўйича ишларни кучайтириш омилининг муҳимлигини кўрсатди, бу эса ўз ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг алоҳида режими ҳисобига уларнинг иқтисодийётини тиклаш имкониятидан иборат. Ўз моҳиятига кўра, махсус зоналар мамлакат ҳудудининг алоҳида қисми бўлиб, у ерда тадбиркорлик фаолияти учун алоҳида ҳуқуқий режим, жумладан, солиқ, божхона, маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий имтиёзлар ва кафолатлар белгиланган.

4. Республикамиздаги МИЗлар фаолиятини таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда улар фаолиятининг умумреспублика кўрсаткичларига тўлақонли ҳисса қўшаётгани ҳақида гапириб ўтишнинг ҳожати йўқ. 2024-йилда МИЗга кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) республика қийматининг қарийб 5 фоизини, асосий капиталга киритилган инвестициялар 3,3 фоизини, кўрсатилган хизматлар 0,2 фоизини, қурилиш ишларининг улуши 0,1 фоизини ташкил этди. Айни пайтда уларнинг республика ҳудудларини иқтисодий ривожлантиришда тутган ўрни катта.

5. Ўтган олти йил давомида (2019-2024-йиллар) МИЗ таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини ўрганиш, ишлаб чиқариш-хўжалик фаоллиги сезиларли даражада ошганини кўрсатмоқда. Ушбу даврда МИЗда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажми 5,6 баробар, қурилиш ишлари ҳажми 5,4 баробар, кўрсатилган хизматлар ҳажми 27 баробардан ортиқ, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 5 баробар, хизматлар экспорти ҳажми 2 баробар ошди.

6. Бугунги кунда деярли барча ҳудудларда махсус иқтисодий ва саноат зоналари ташкил этилган ва улар самарали фаолият юритмоқда. 2024-йилда кўрсаткичларнинг энг юқори улуши Жиззах шаҳрида қайд этилди (31,9 фоиз – саноат ишлаб чиқариш; 31,9 фоиз – кўрсатилган хизматлар ҳажми; 29,2 фоиз – қурилиш ишлари ҳажми); Тошкент (23,2% - саноат маҳсулотлари; 52,6% - кўрсатилган хизматлар ҳажми); Навоий (13% - саноат маҳсулотлари); Қашқадарё (29,1 фоиз – қурилиш ишлари ҳажми), Бухоро (39,6 фоиз – асосий капиталга инвестициялар); Самарқанд (16,7 фоиз – асосий капиталга инвестициялар) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (32,7 фоиз – қурилиш ишлари ҳажми).

7. Республика ҳудудларида МИЗларни ривожлантириш истиқболлари анча ижобий. Ўзбекистонда барча ҳокимият органлари МИЗлар ривожланишини қўллаб-қувватламоқда, чунки улар иқтисодий тартибга солишнинг асосий воситалари бўлиб, экспортга йўналтирилган корхоналарнинг ўсиши ҳисобига экспортга нисбатан ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг асосий воситасига айланди.

**Адабиётлар /Литература/References:**

Alder, S., Shao, L., et al. (2016). "Economic Reforms and Industrial Policy in a Panel of Chinese Cities". *Journal of Economic Growth*, 21(4), 305–349. doi:<https://doi.org/10.1007/s10887-016-9131-x>

Alexianu M., et al. (2019). *Doing Special Economic Zones right: A policy framework*. International Growth Centre, November 2019. [www.theigc.org](http://www.theigc.org).

Cai, J., Xin, K., et al. (2021). "A Dynamic Panel Data Approach and HCW's Method: Assessing the Effect of China (Shanghai) Free Trade Zone on Local GDP". *Journal of Management Science and Engineering*, 6(3), 249–267. doi: <https://doi.org/10.1016/j.jmse.2021.06.004>.

Leong, C. K. (2013). Special economic zones and growth in China and India: an empirical investigation. *International Economics and Economic Policy*, 10(4), 549–567. <https://doi.org/10.1007/s10368-012-0223-6>.

uz.kursiv.media (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг инвестицияларни жалб этиш ва савдони ривожлантириш масалаларига боғишланган йигилишдаги нутқи, 15.01.2025. <https://uz.kursiv.media/2025-01-16/v-uzbekistane-nachnut-sozdavat-sez-orientirovannye-tolko-na-eksport>

Widianto, Y. W., and Yudhisthira, M. H. (2021). "Special Economic Zones and Regional Economic Growth: Empirical Evidence of Sei Mangkei SEZ [in Indonesian]". *Indonesian Journal of State Budget and Finance*, 3(2). doi: <https://doi.org/10.33827/akurasi2021.vol3.iss2.art130>.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2023-2025-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастуруни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 28.12.2022 й. ПҚ - 459-сон Қарори.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон – 2030 Стратегияси тўғрисида"ги Фармони.11.09.2023 й. ПФ-158-сон.

Фармон (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги 04.03.2025 й. ПФ-41-сонли Фармони.